



2016 йил «01» июль

№ 717/8

Ер участкаси ажратиш ва  
сурилишга рухсат бериш  
тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 20-моддаси, Ер кодекси»нинг 6, 26-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан яқинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2011 йил 25 майдаги №146-сонли «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларини ижросини таъминлаш мақсадида «Қишлоққурилишлойиха» МЧЖ бош лошари-қидирув институтининг 2016 йил 9 мартдаги №401/7 сонли келишув хати, Самарқанд вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2016 йил 29 сентябрдаги №1540-сонли экологик экспертиза қарорномасини, Нуробод тумани Олға маҳалласида яшовчи фуқаро Хидиров Хамза Абдурамонидан Нуробод тумани Олға маҳалласи ҳудудидан савдо мажмуасини қуриш учун 1,5 гектар ер майдони ажратиш беришни сўраб ёзган аризаси ҳамда туман ҳокимининг 2011 йил 18 августдаги №81-Ф сонли фармойишига асосан тузилган ер участкасини танлаш бўйича ишчи комиссиясининг 2016 йил 10 октябрдаги қарорномаси ва тўпланган ер майдонини танлаш ва ажратиш тўғрисидаги қарорларини кўриб чиқиб,

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Нуробод тумани Олға маҳалласида яшовчи фуқаро Хидиров Хамзага Нуробод тумани Олға маҳалласи ҳудудидан савдо мажмуаси қуриш учун 1,5 гектар ер майдони ажратилсин ҳамда ер участкасини танлаш бўйича ишчи комиссиясининг 2016 йил 10 октябрдаги қарорномаси тасдиқлансин.



2. Фуқаро Хидиров Хамзага куйидаги вазифалар юклатилсин:  
-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли қарорида кўрсатилган муддат ва талаби асосида АРТ (архитектура режалаштириш топшириғи) ҳамда лойиха ҳужжатларини тайёрлаш.  
-вилоят Давлат архитектура ва қурилиш назорат инспекциясидан қурилишни амалга оширишга рухсат олиб, қурилиш ишларини бир йил муддат ичида туғатиш:  
-қурилган бино атрофида экологик ҳолатни сақлаш ҳамда ободончилик ишларини олиб бориш:  
-тасдиқланган қурилиш лойихаси асосида қурилишни амалга ошириш:  
-қурилиш ишлари тугаши билан бинони фойдаланишга рухсат бериш учун туман ҳокимлигига муружаат қилиш:

3. Туман бош архитектору (Ж.Абдуллаев)га Хидиров Хамзага томонидан тасдиқланган қурилиш лойихаси асосида қурилиш ишларини амалга оширилишини назорат қилиш топширилсин.

4. Ер участкасини натўрага кўчириш ишларини “Ўз ГАШКЛИТИ” ДУК нинг вилоятдаги ваколатхонаси билан биргаликда амалга ошириш туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ж.Абдуллаев) ва туман “Ер ресурслари ва давлат кадастри” бўлими (Ф.Эргашев)лар зиммасига юклатилсин.

5. Хидиров Хамза томонидан кўрсатилган муддат ичида тасдиқланган қурилиш лойихаси асосида қурилиш ишлари амалга оширилмаса, ушбу қарор ўз кучини ўқотди деб ҳисоблансин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Джураев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими в.б



Б.Эргашов